


## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШ: ХИТОЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

 <https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-488-493>

**Назирова Мухтор Махмудович**

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент в.б.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

[m.nazirov@iaau.uz](mailto:m.nazirov@iaau.uz)

***Аннотация.** Мақолада иқлим ўзгариши муаммолари, табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари глобал аҳамияти кўриб чиқилган. Шу жумладан, Хитойнинг иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиши борасидаги тажрибаси ва Марказий Осиё давлатларидаги долзарб экологик муаммолар таҳлил қилинган ҳамда бу борадаги ўзаро ҳамкорлик масалалари умумлаштирилган.*

***Калим сўзлар:** иқлим ўзгариши, Киото протоколи, Париж келишуви, Хитой, Марказий Осиё, сув тақчиллиги*

## FIGHT AGAINST CLIMATE CHANGE: CASES OF CHINA AND CENTRAL ASIA COUNTRIES

**Nazirov Mukhtor Makhmudovich**

Ph.D. in political sciences, acting associate professor

International Islamic Academy of Uzbekistan

[m.nazirov@iaau.uz](mailto:m.nazirov@iaau.uz)

***Annotation.** The article examines the global significance of the problems of climate change, natural disasters and their consequences. It also analyzes China's experience in combating the consequences of climate change and the main environmental problems in the countries of Central Asia, as well as issues of mutual cooperation in this direction.*

***Key words:** climate change, Kyoto Protocol, Paris Agreement, China, Central Asia, water shortage*

Иқлим ўзгариши давримизнинг асосий муаммоси бўлиб, унинг ечими тарихнинг бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Бугунги кунда барча мамлакатлар глобал иссиқлик таъсирида қолмоқда. Дунё аллақачон тезкор ва муқаррар глобал иссиқлик таъсирини бошдан кечирмоқда. Маржон рифларининг нобуд бўлиши, денгиз сатҳининг кўтарилиши, Арктикадаги денгиз музларининг эриши, биологик хилма-хилликнинг камайиши, ҳосилдорликнинг пасайиши, аномал иссиқлик ва кучли ёғингарчилик шулар жумласидандир. Мисол учун, глобал

миқёсда об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ офатлар 2017 йилда 320 миллиард доллар миқдоридан зарар келтирган. Бироқ, унинг оқибатлари номутаносиб равишда камбағал ва заиф қатламлар ҳиссасига тўғри келмоқда, муаммо учун энг кам жавобгар бўлган мамлакатлар кўпроқ унинг таъсири остида қолмоқда.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этиш учун вақт ва имконият мавжуд бўлса-да, у барча соҳаларда мисли кўрилмаган саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Соҳа мутахассисларининг фикрича, кам углеродли, барқарор ривожланишга ўтиш анъанавий ривожланиш йўллари билан солиштирилганда 2030 йилга келиб 26 триллион АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри иқтисодий фойда келтириши мумкин.

“Охирги таҳлил шуни кўрсатадики, агар ҳозир ҳаракат қилсак, 12 йил ичида углерод чиқиндиларини камайтиришимиз ва глобал иссишни Цельсий бўйича 1,5 даражагача чеклашимиз мумкин. Аммо ҳозир қилаётган ишимизни давом эттирсак, бу олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади”, – дейди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. [3]

1992 йилда қабул қилинган БМТнинг **Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси** иқлим ўзгаришига қарши кураш йўлидаги биринчи қадамни белгилаб берди. Ҳозирги вақтда 197 давлат Конвенцияни ратификация қилган ва унинг иштирокчиларидир. Конвенциянинг асосий мақсади “иқлим тизимига хавфли антропоген таъсир”нинг олдини олишдир.

**Киото протоколи.** 1995 йилда дунё мамлакатлари иқлим ўзгаришига қарши глобал жавоб чораларини кучайтириш бўйича бошлаган музокаралари икки йил ўтгач, Киото протоколи қабул қилиниши билан якунланди. Ушбу ҳужжат ривожланган мамлакатлар – Протокол иштирокчиларига иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш мажбуриятини юклади. 192 та давлат иштирок этган Киото протоколи 2020 йилгача амал қилди.

**Париж келишуви** иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор паст углеродли ривожланишга эришиш учун зарур бўлган ҳаракатларни 2030 йилгача фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади – бу асримизда глобал ҳароратнинг ўсишини 2°C даражасида ушлаб туриш учун иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича глобал ҳаракатни кучайтириш ва ҳатто бу кўрсаткични 1,5°C гача камайтиришга ҳаракат қилиш.

Жаҳон Метеорология Ташкилотининг сўнгги ҳисоботлари иссиқхона газлари, айниқса, қазиб олинмаган углерод чиқиндилари Ернинг нормал иқлимида зарарли ўзгаришларга олиб келишини ҳамда бу салбий тенденция ХХI асрнинг иккинчи ярмида ҳам давом этиши мумкинлиги тасдиқламоқда. Иқлим ўзгариши ва табиий офатларнинг кўплаб оқибатлари сув тошқинлари, бўронлар, қурғоқчилик, музликларнинг эриши ва денгиз сатҳининг кўтарилиши туфайли қирғоқ чучук сув ресурсларининг шўрланиши каби ҳодисаларда ўз аксини топтомоқда. Охирги 20 йил ичида 2 миллиард одам йирик вайрон қилувчи

сув тошқинлари, 1,5 миллиард киши қурғоқчилик ва 700 миллион киши ҳалокатли тропик бўронлардан азият чекди.

Глобал чиқиндиларнинг учдан бир қисми “Катта Еттилик” (G7) ва Европа Иттифоқи давлатлари ҳиссасига тўғри келса, “Катта Йигирматалик” (G20) гуруҳининг қолган мамлакатлари, жумладан БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка) ҳиссаси глобал иссиқхона газлари чиқиндиларининг деярли ярмини ташкил қилади. [Петтери Таалас. 2022]

Иқлим ўзгаришининг энг ёмон сценарийларини олдини олиш учун бир қатор ижобий қадамлар ҳам қўйилмоқда. Қуёш ва шамол энергияси, иссиқлик насослари, электр ва биоёқилғи билан ишлайдиган транспорт воситалари ва тўйимли озиқ-овқатлар каби янги юмшатиш технологиялари мавжуд. 32 давлат сўнгги 15 йил ичида чиқиндиларни муваффақиятли қисқартиришга эришди ва уларнинг иқтисодиёти ўсишда давом этмоқда.

Хитой иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўрган давлатлардан бири сифатида ушбу муаммога қарши курашиш учун бир қатор чора-тадбирларни белгилаб олди. Мисалан, 2017 йилда Хитой иссиқхона газлари чиқиндилари савдоси миллий тизимини яратиш режаларини, 2020 йилда эса 2060 йилгача углерод нейтраллигига эришиш режаларини эълон қилди. [8]

Хитойнинг иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш тажрибаси қатор муваффақиятли ташаббус ва тадбирларни ўз ичига олади.

**Биринчидан**, Хитой дунёдаги қайта тикланадиган энергиянинг (қуёш панеллари ва шамол турбиналарининг) энг йирик ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир. Қуёш ва шамол электр станциялари, гидроэнергетика ва атом энергетикасига сармоя киритилиши натижасида Хитой кўмир ва нефтга қарамлигини сезиларли даражада камайтирди, бу эса иссиқхона газлари чиқиндиларининг камайишига олиб келди.

**Иккинчидан**, саноат, транспорт ва қурилишда энергия самарадорлиги ва чиқиндиларни камайтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Хитой янги технологияларни жорий қилмоқда, биноларнинг энергия самарадорлигини оширмоқда ва автомобиллар чиқиндиларини камайтириш дастурларини ишлаб чиқмоқда.

Бундан ташқари, сув таъминотини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Хитой ҳукумати сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экотизимларни тиклаш ва тупроқ шўрланишига қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Сув тошқинлари, қурғоқчилик ва қум бўронлари каби табиий офатларнинг ҳалокатли оқибатларини олдини олиш учун тўғонлар, сунъий кўллар ва ўрмон камарлари қурилмоқда.

Марказий Осиё давлатларига келсак, минтақадаги экологик муаммолар умумий характер касб этади. Ушбу муаммолар минтақавий, айримлари эса умумбашарий даражага кўтарилган. Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида

вужудга келаётган музликлар эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар каби янги хавф ва таҳдидлар туфайли **минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бормоқда.**

Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тобора чуқурлашиб бораверади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин. БМТ маълумотида кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессиясида таъкидлаганидек, “кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда.” [1]

Дарҳақиқат, бу минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этиш, тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилишини таклиф этди. Бу борада **“Марказий Осиё иқлим мулоқоти”**ни жорий этиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжихатлик”** резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурилди.

Минтақанинг давлатларида сув чекланган ресурсдир. Қирғизистон ва Тожикистонда гидроэнергетика аллақачон муҳим энергия манбаи бўлиб, янги тўғонлар уни экспорт даромадининг асосий манбаига айлантириши мумкин. Дарё сувининг қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалигида сувдан интенсив фойдаланиши сув ресурсларига босим ўтказмоқда. Сўнгги йилларда бу жараёнга ҳуқуқий мажбуриятларга эга бўлмаган Афғонистоннинг қўшилиши муаммони янада чигаллаштирмоқда.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида юқори оқимдаги гидроэнергетика ва қуйи оқимдаги қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда чекланган ресурсларни адолатли тақсимлаш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, сув учун рақобат кўпинча қуйи ва юқори оқимда жойлашган қўшни давлатлар ўртасида кескинлик манбаи бўлиш

эҳтимоли катта. Бу борада вазият Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти сув билан боғлиқ минтақавий муаммоларни ҳал қилишда конструктив ёндашганидан кейин яхшилана бошлади. [6]

Марказий Осиёдаги асосий экологик муаммо сифатида ер ости сув захиралари йилдан-йилга камайиб, ичишга яроқсиз бўлиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги ер остидаги ичимликка яроқли сувнинг 35-38% техноген факторлар сабабли яроқсизланиб бормоқда. Бу тенденция бутун минтақага хос ҳисобланади. [Сирожов, Назиров 2021: 142]

Президент Шавкат Мирзиёев Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг 2023 йил 15 сентябрь куни Душанбе шаҳрида ўтган мажлисида таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси асосида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси ва Чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Сўнги бир неча йил давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди, яна 400 минг гектар яшил ҳудудлар барпо этиш режалаштирилмоқда. Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, шунингдек, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, кўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари яратилди. Бугунги кунда Оролбўйи минтақасида кўриқланадиган ҳудудларнинг умумий майдони 4,6 миллион гектарни ташкил қилмоқда. [2]

Ўзбекистон учун иқтисодиётнинг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Охирги 7 йил мобайнида Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Тараққиёт стратегияси доирасида сувни тежаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқилмоқда. [2]

Президент Шавкат Мирзиёев сувни тежаш соҳаси Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, Марказий Осиё давлатларининг сув ресурслари, энергетика, экология ва иқтисодиёт вазирларининг доимий учрашувлари бўйича Минтақавий платформани таъсис этиш таклифини илгари сурди.

Хулоса қилганда, иқлим ўзгариши – бу сайёрамизнинг иссиқроқ ва беқарор бўлиб бораётган жараёни. Унинг оқибатларини Марказий Осиё ҳам бошдан кечирмоқда. Шу ўринда Хитой иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш ва янги иқлим шароитларига мослашишда ёрдам бериш учун ўз билими ва тажрибасини бошқа давлатлар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан бўлишиши мумкин. Бу қайта тикланадиган энергиядан

фойдаланиш, сув таъминоти ва тупрокни сақлашни яхшилаш ҳамда табиий офатларга қарши курашиш режаларини ишлаб чиқишни ўз ичига олиши мумкин. Бу Марказий Осиё мамлакатларига кўмир ва нефтга қарамликни камайтириш, табиий ресурсларини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, Хитой тажрибаси Марказий Осиё мамлакатларига иқлим ўзгаришига қарши самаралироқ кураш олиб бориш ва ресурслари ва хавфсизлигини сақлашга ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. 20.09.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6677>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 15.09.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6662>
3. Борьба с изменением климата. <https://www.un.org/ru/aboutun/booklet/climate.shtml>.
4. Петтери Таалас. Изменение климата, стихийные бедствия и смягчение их последствий. 22.03.2022. <https://www.un.org/ru/173142>
5. Сирожов О., Назиров М. Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг истиқболлари ва имкониятлари. – Тошкент: ЎзХИА, 2021. – Б. 142.
6. Water in Central Asia: An increasingly scarce resource. [https://www.europarl.europa.eu/thinktank/en/document/EPRS\\_BRI%282018%29625181](https://www.europarl.europa.eu/thinktank/en/document/EPRS_BRI%282018%29625181)
7. Water Resources in Central Asia: Challenges and Prospects. March 18, 2023. <https://www.undp.org/kyrgyzstan/speeches/water-resources-central-asia-challenges-and-prospects>
8. Климатическая повестка 2030. <https://russiancouncil.ru/climate2030>
9. Назиров, М. М. (2022). Значение государств Центральной Азии для экономического развития КНР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 669-673.
10. Nazirov, M. (2021). Main Features of Chinese Policy in Central Asia. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 2(12), 90-95. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/215>